

Маърузачиларнинг тадбири бўйича бизнинг муаллималаримиз ичида мактаб бошка-ю сиёсат бошка, дейдургон кишилар бор эмиш.

Мактаб кайси синф кўлида бўлса, шу мактабларда шу синфнинг мафкуриси таркалади ва илгари сурилади. Бу гапга кўнмаганларни янглишган, ўжар кишилар деб айтишга жасорат киламиз. Жадидликка қандай баҳо бериш тўғрисида куйидаги асосларни келтираман: жадид мактаби қай вақтда ва қимлар кўли билан вужудга чиқди? Мана бунини текшириш учун йигирма йил илгарига қараш, албатта лозим. Хозирги пайтда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар, Масков ва бошка жойларга бориб ўқишни ҳавас қилса, авваллари саводи чиққан бир киши Бухоро бориб ўқишни ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар илмни фақат дингина деб билар эдилар. Мухит шуни такозо қилар эди... Жадид мактаби ташкил қилгонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғиз Богчасаройда чиқадургон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдирар эди. Буларга баҳо янглиш ва орқича берилган. Чунки ўша вақтдаги жадид мактабига уламо, бой, ҳамма ва ҳамма қарши эди. Жадидлар шундай шароит ичида жасорат билан чиқиб иш бошлагон эканлар, буларга бериладургон баҳо ҳам шундан орқиб бўлмаслиги лозим.

Жадидлар шу мактабга яхши назар билан қарагон кишиларни ўзига дўст қўриб қучоғига тортар эди. Буларнинг бой, рухоний, савдогар бўлишидан қатъи назар, секин-секин жадидлар дўсти қўпайиб, турли гуруҳлардан иборат бир жадидлар тўдаси ташкил қилдик. Инъомофни жадидларни алоҳида синф қилиб қўрсатиши номаъқул гап. Жадидлар палисаннинг қўрқинчи қоттиқ бўлса ҳам, қийинчиликларни ўз устига олиб газет қиларди ва халққа тарқатти.

Жадидларнинг энг азоб қоттиқ даври Керенский вақти бўлди. Керенский вақтида идораларга уламолар миниб олди. Мактабга ёрдам бериш у ёқда турсин, қор ҳукумати даврида берилиб қолган моҳиётлар ҳам берилмади, тўхтади. Уламоларнинг ўша вақтдаги қучи молик бўлганларини жадидлардан думмага 11 та, уламолардан 65 та вақил сайланиши билан исбот қиламан. Жадидлар ўз уламолари, бойларга қарши, рус социалистлари билан бирга қўлга-қўл бериб ишлади.

Қўкон мухториятини рус меньшевиклари тузди. Чўкоеф унга жуда яқин эди. Убайдулла Хўжаев ва Низомиддинлар мухториятга қатнашди. Ўша вақтда жадидларнинг отаси бўлиб ҳисобланган мен ўзим лоқал миллат мажлисига аъзо бўлиб ҳам сайланмадим. Жадидлардан Қўкон мухториятига қисман аралашгон кишилар бўлса ҳам қўбчилиги четда тургон.

Яна бир гап борки, жадидлар октябрь инқилобинини яхши қарши олмагон эмишлар. Октябрь инқилобинини рус ишчилари қилгонини ҳеч яшириб бўлмади. Биз уларнинг тайёрига айёр бўлиб ишлай бошладик. Октябрдан кейин жадидлар Керенский сикиндисидан қутулди. Мактабларни ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошладилар. Октябрь ўзгаришига жадидлар раҳбарлик қилди, дейиш ҳам,

октябрни улар яхши карши олди, дейиш хам хато гап.

Жадидлар октябрь инкилобига ёмон карагон бўлсалар эди, 20—21 йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар. 21 йилдан бошлаб жадидлар катта хато килди. Турккомиссия томонидан килингон харакатларни мустамлакачилик, дедик. Хакикатан, улар мустамлакачи экан, уларга карши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз килиб, ўзимизни четга олишимиз катта хато бўлган. Шу ишимизга пушаймон килиб, шу вақтгача ишлаб келсак хам хизматларимиз хатомизни ювиб кетар даражага бормагонга ўхшайди.

Чор ҳукуматини йикитиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз хам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтуриб насия ёзадургон ходимлар етказсак? Шу ишки аклли одам шу бахони беришдан у ёк, бу ёкни мулохаза килсин. Жадид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш бахоси берилмаганига таассуф билдиролмай ўта олмайман. Бу ерда шуни хам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жадид мактабини битириб чиккон баъзи йигитларимиз хозир масъул ўринларда туради. Жадидлар чор ҳукуматини йикитиб, Туркияга ёки Польшага ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил килади, деган назариялар хам йўк эмас эди.

Ўша вақтда бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз, деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоклар шу гапимга араз килиб, «Ол мамлакатингни, ўзинг идора кил», деса, мен уларнинг оёгига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, сизнинг бойингиз, уламоингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим. Жадидларнинг шўро ҳукуматида дўстлигини куйидаги хужжатлар билан исбот киламан: Январь инкилобида ўн икки соатлик ҳукумат бўлди. Ростовский ва Абдусафийхонлар одам кидириш режасини тузди. Шунда жадидлар кочиб кетди. Качонки, большевиклар голиб бўлди, деган хабар эшитилгандан кейин чикиб, большевикларга карши бўлгонларни суд килиб, отиб юборилди.

Биз халқнинг ахвол-рухияси билан ҳисоблашиб, ер ислохоти, паранжи масалаларини ўттиз йилсиз хал кила олмас эдик. Большевиклар фиркаси бу ишни ўн йилда бажариб кўйди, биз ўша вақтда зиёли деб русларнинг ўрта ва олий мактабларида ўқигон кишиларни айтар эдик. Жадидлар билан коммунистларнинг хаёти маҳкам боғланган эди. Улар ўлса ўлди, тирилса тирилди. Ўлгунича инкилобни химоя килишга тайёр. Жадидларнинг бир иккитасидан гуноҳ ўтган экан, хаммасини коралаш яхши эмас.

Нашрга тайёрловчи: филология фанлари номзоди Шухрат Ризаев